Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 22 март, якшанба● № 36 (22.273).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Ҳар бирингизни орзиқиб кутилган қадимий айём — Наврўзи олам хонадонларимизга кириб келгани билан муборакбод этаман!

Наврўз — табиат уйғониши фасли, ҳаёт байрами, миллий одат ва қадриятларимизнинг энг олий тимсолидир.

Бу қутлуғ паллада Оллоҳ яратган бутун борлиқ уйғонади. Табиат янгиланади. Табиатнинг узвий қисми бўлмиш одамзот ҳам беихтиёр руҳан покланади. Қалбига эзгуликка интилиш, янги умид-орзулар ва куч-қувват киради.

Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга, бизнинг неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси, тасдиғидир.

Яқин тарихимизга бир назар ташласак, айнан Наврўзи олам ҳаётимизда қайта тикланиши, унинг қутлуғ қадамлари бевосита ўзлигимизни англаш, миллий онг, миллий ғурур ва туйғуларимизнинг уйғонишига туртки бўлиб, мустақиллигимизга эришиш, жамиятимизнинг янгиланиши йўлидаги биринчи қадамлар билан боғланиб кетгани ҳам бежиз эмас десак, ҳеч қандай хато бўлмас, деб ўйлайман.

Азиз биродарлар!

Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган юртга байрам ярашади. Тотувлик, осудалик бор жойдан бало-қазолар йироқ юради. Аждодларимиз Наврўзи оламни ёруғлик куни, хайру эҳсон ва меҳрибонлик палласи деб билганлар. Беморлар, етим-есир, кўнгли ярим бева-бечораларга беминнат ёрдам кўрсатиб, меҳрга муҳтож бўлганларни зиёрат қилиб, уларнинг кўнгилларини кўтариб, дуоларини олганлар. Ота-боболаримизнинг бундай эзгу удумини давом эттирмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Наврўз айёмининг ҳаётбахш руҳи умумбашарий қадриятларга ҳамоҳангдир. Шу боис, у мамлакатимиздаги барча миллат ва элат вакилларининг, ёшу қари барча инсонларнинг умумий шодиёнасига айлангани бежиз эмас. Бу ҳолни Ўзбекистонимиздаги аҳиллик, меҳр-оқибат, тинчлик ва осойишталик барқарорлигининг далолати, деб айтсак асло муболаға бўлмас.

Муҳтарам юртдошларим!

Наврўз дамларида одамзот оиласига, фарзандларига боқиб, уларнинг бахтини, иқболини кўрмоқни истайди.

Оила — меҳр-муҳаббат маскани.

Оила иқболи — юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги гарови.

Оила — жамият асоси, пойдевори. Унинг фаровон бўлиши, фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши — Ватан бойлиги ва қудратининг асосидир.

Ана шу қутлуғ дақиқаларда Оллоҳ назари тушган Ўзбекистон заминида яшаётган барча оилаларга, нуроний оталаримизга, дуогўй оналаримизга, мунис аёлларимизга, ўғил-қизларимизга ва ширин-шакар невараларимизга чин қалбимдан ўз меҳр-муҳаббатимни, эзгу тилакларимни билдирмоқчиман.

Илоё, кириб келаётган Янги йилда Ўзбекистон заминида ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадондан файз-барака аримасин, эзгу ниятлар амалга ошсин, қувончли кунлар янада қўпроқ бўлсин. Қарияларимизнинг умрини, ёшларимизнинг бахтини берсин.

Бугун юртимизга баҳор кириб келаётган дамларда, халқимизнинг азалий урф-одатларига амал қилиб, заҳматкаш, фидойи деҳқонларимиз меҳнатига чексиз ҳурматимни яна бир бор изҳор этмоқчиман:

Янги мавсумингиз баракали бўлсин! Қадаган уруғларингиз, эккан кўчатларингиз бехато қўкарсин, мўл-кўл ҳосил берсин!

Ҳаммамиз учун муқаддас, бетакрор заминимизга берган меҳримиз, саховатимиз юртимизга файзу барака келтирсин, дастурхонимизни тўкин-сочин қилсин, ҳар бир инсон ўз меҳнатининг роҳатини кўрсин!

Гўзал Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!

Умримизнинг ҳар дақиқаси Наврўзга айлансин!

Улуғ айём барчамизга муборак бўлсин!

НАВРЎЗ ГУЛЛАРИ

Қиш қанчалик тиришмасин, қаттиқ келмасин, барибир Баҳор қўёши, Наврўз қўёши ғолиб чиқади. Бугун ўлкамизда Наврўзи олам руҳи ҳукмрон. Наврўз — оламнинг бошланиши, улуғ кун, саодатли кун, она-заминимизга қут-барака, саховат уруғи ёғиладиган давр.

Наврўз — орзу-умидлар, эзгуниятлар мустажоб бўладиган палла. Шу боис азалдан ушбу қутлуғ кунни халқимиз энг муқаддас байрам сифатида нишонлаган.

Наврўз шодиёналарида қуй-қўшиқлар янграйди. Машшоқ ва муғаннийлар, созандаю хонандалар, бахшилару ҳофизлар овози оламни тутади. Санамлару раққосалар товуслардек хиром айлаб, чарх уришади.

Наврўз сайили кунлари ёш деҳқонлар Бободеҳқонга талпиниб, унинг қўлини олишади, дуосидан баҳраманд бўлишади.

Кўчатлар ўтқазилиб, боғ-роғлар яратилади. Дов-дарахтларга ишлов берилади. Ариқлар, зовурлар тозаланади, қабристонлар ободонлаштирилади. Муқаддас жойлар зиёрат қилинади. Қариялар, беморлар, ногиронлар йўқланади. Муҳтожларга хайр-эҳсонлар кўрсатилади. Гина-адоватлар кечирилади. Одамлар бир-

АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ САОДАТ

бирларига меҳр улашишади, мурувват кўрсатишади, ширинликлар ҳадя этишади, яхши ният, тилаклар тилашади.

Сумалак, ҳалим, кўк сомса каби лаззатли баҳорий таомлар тайёрланиб, пазандалик маҳоратлари намойиш этилади.

Ушбу тадбирлар бир-бирига уланиб, кишилар руҳини тозалайди, хотирни жам қилиб, ақл-идрокни чархлайди.

Наврўз шодиёналари ҳамжиҳатлик, ижодкорлик ва эзгулик, янги орзу-умидлар, мақсадлар муштараклиги сифатида йиллар мобайнида давом этиб келмоқда. Мустақиллик туфайли ушбу удумларимиз қайта тикланаётган, қадимий анъана, урф-одатлар, расм-русумлар бугунги кунда миллий мустақиллигимизнинг беқиёс сарчашмаларига айланиб боряпти.

Одамлар бу байрамни минг йиллар бурун қандай эъзозлашмайдон ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Дошқозонларда ҳалим, сумалаклар қайнамоқда. Кўк сомсаларнинг ҳиди димоғингизга баҳор нафасини олиб киради. Боғ тўрида майдонга назар ташлаб турган Алишер Навоий сиймоси гўё биз билан Наврўз тантаналарини кутаётгандек.

Соат 11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов майдонга кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини йиғилганлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олишади.

Ислом Каримов Ўзбекистон халқини қутлуғ айём — Наврўз билан табриклади. Мамлакатимизда мустақилликнинг еттинчи Наврўзи нишонланмоқда. Шу қисқа фурсатда юртимизда катта ишлар қилинди. Энг асосийси истиқлол нима эканлигини англаб етди. Бугунги байрамнинг шукуҳи ва жозибаси ҳам

ган бўлишса, бугун ҳам шундай ардоқлашади. Ватанимиз мустақилликка эришгач, Наврўзи олам янгича мазмун касб этди, унинг мавқеи янада ортди. Аввалги анъаналар тикланиб, том маънодаги саховат, меҳр-мурувват айёмига айланди. Ҳар бир гўшага, ҳар бир хонадонга Наврўз билан бирга бахт, шодлик ҳам кириб келди.

Мамлакатимиз пойтахтининг Алишер Навоий номи билан аталувчи Миллий боғи алоҳида безатилган. Баҳорни, Наврўзни ифодаловчи байроқлар, гуллар, мустақиллик шарофатидандир.

Саҳнага болалар, нуроний отахон ва онахонлар кириб келади. Чақалоқ йиғиси эшитилади. Наврўз ва чақалоқ. Янги кун ва янги инсон. Она-замин яшармоқда. Ҳаёт янгитдан бошланяпти. Саҳнада йўлбарс пайдо бўлади. У ҳамиша паҳлавонлик ва мардлик тимсоли бўлиб келган. Йўлбарс йилида дарёлар сувга тўлади, ҳосил мўл бўлади, дейишади. Йилнинг серёғин келиши, қорнинг ҳар йилгидан анча кўп ёғиши, бу гапларнинг тўғри эканлигини исботламоқда.

Майдон четидаги чархпалак тиним билмай айланади. У гўё, сониялар, дақиқалар сайин умр ўтаётганидан дарак бераётгандай. Истиқлолга эришганимизга етти йил тўлмоқда. Етти Наврўз келди ўшандан буён. Бугун мамлакатмизни бутун дунё таниди.

НАВРЎЗ САЙИЛЛАРИ

Миллий боғ. Бир-биридан гўзал кийинган кексаю ёшнинг юзида баҳорий табассум. Одамлар оқимига қўшилиб майдон марказидаги саҳна томон юрар экансиз, янграб турган шўх наводанми ё шундай куннинг севинчиданми, оёқларингиз гўё сузиб боради. Отасининг елкасига ўтириб олган жажжи болакай қийқириб қўлидаги шарни силкитади. Қувончи ичига сиғмайди.

Атрофдан димоққа дилни яйратувчи ҳид урилади. Бу неданлигини эса ҳарчанд уринманг англаёлмайсиз. Ошпазлар эндигина устини оча бошлаган ўзбек паловиданми? Қозон ковланган сари биқирлаб пишаётган ҳалимданми? Туни билан қайнаб пишган сумалакданми? Қандолат усталари тайёрлаган турли хил ширинликларданми? Тандирда ёпилган сархил сомсаларданми ё ялтираб пишган ширмой нонларданми? Балки, шуларнинг ҳаммасидандир. Балки, қиз-жувонларнинг пардозларидан таралаётган мушк-анбар ҳидидир бу? Ҳар қалай, кўнглингиз равшан тортади. Баҳор келганлигини бутун вужудингиз билан ҳис қиласиз.

Дилни қитиқлаётган ҳид Баҳор нафаси эмасми? Ҳув узоқдан, қўй-қўзилар ўтлаб юрган, болакайлар варрак учириб, ялангоёқ қоқиўт териб юрган, майсалар ниш уриб бойчечаклар потраб чиқаётган далалардан етиб келган хуш насим эмасми бу?

Шуларни англаганда нигоҳларингиз узоқ-узоқларга қадалади. Руҳингиз қуш бўлиб ўша томонларга учиб бориб келади, гўё. Шунда бир сирни англагандай бўласиз. Димоққа ўрнашадиган ҳид бурун орқали ўтиши шарт эмас экан. Кайфият орқали, учқур хаёллар елкасида ҳам улар бизга меҳмон бўлиши мумкин. Осмон, қуёш, замин, инсон, бутун Табиат — битта.

Дарвоқе, Инсонни Баҳорсиз, Баҳорни Инсонсиз тасаввур қилиш мумкинми? Бу саволга жавоб излаш у ёқда турсин, уни такрор тилга олишга ҳам чўчийсан, киши. Бугун эса саволга асло ўрин йўқ. Борлиқнинг ўзи унинг жавобини кўз олдингизда намоён қилиб турибди. Бир қарашда фавворалардан отилаётган сув биллурдек товланиб кўринса-да, унда жилоланиб турган камалак табиат шайдосини ўзига бир зумда асир қилиб олади. Кўз очиб юмгунингизча хаёллар ёмғирдан шалаббо бўлиб кенгликларда чопқиллайди. Пастда кетмонига суянганча ўй сураётган деҳқонни учратасиз. Унинг режалари кўп. Балки у камалакни Болаликчалик ҳис қилмаётгандир. Аммо, осмондан ёғилаётган ризқ унинг кўз олдида хирмон-хирмон буғдойни. уюм-уюм пахтани гавдалантиради... Орзу-умид қандай яхши-я!

Сайил. Кимдир оёғингизни босиб олди, шекилли. Ўзингизни дарё бўлиб оқаётган одамлар орасида кўрасиз. Ростдан ҳам туфлингизда оёқ изи. Жажжигина оёқчадан қолган из. Ҳов анави болакай бўлса керак. Ҳавога кўтарилаётган шарларни санамоқчими, қўлларини кўкка чўзиб осмонга термулмоқда. Негадир ҳамма-ҳаммага, ўша болага ҳам яхшилик қилгингиз келади. Орқасидан етиб бориб сўрайсиз: «Шарларни санаймизми?» У ҳам ўйлаб ўтирмайди. Сизга осонгина ишонади. Санаймиз, дейди кўзлари чақнаб, мен адашиб кетяпман.

Болани даст кўтарасиз, чин дилдан «иш»га киришиб кетасиз: бир, икки, уч...

Поклик дегани шу эмасми? Меҳр-мурувват, саховат, яна аллақандай биз англаб етган-етмаган, номларини биладиган-билмайдиган эзгулик белгилари шу ернинг ўзида баб-баравар бўй кўрсатмаяптими?

Сайил. Халқ. Ҳа, сайилни халқники деймиз. Ана, ўша халқ, олдингизда, ортингизда, ёнгинангизда... Аммо, ўзингиз-чи? Халқ кетяпти. Сиз ҳам боряпсиз. Демак, ўз халқингиз билан биргасиз. Ўз-ўзидан, ич-ичингиздан севинч тошиб келаётганининг сири ҳам шунда эмасмикин? Бу баҳорий кайфият сизга шу халқдан юқмадимикин? Демак, у билан бирга бўлиш яхши экан-да. Энг олий Бахт ҳам ўзи шу бўлсачи?

Сайил. Карнай овозлари чорлайди. Байрам томон. Нега унинг «паға-паға»си ўзбекнинг вужудини жимирлатади? Бу товуш билан ўзбек руҳияти ўртасида қандай боғлиқлик бор? Ўзимга шу саволларни бераётиб хато қилаётганимни дарҳол англайман. Олдимда бораётган олтинсоч йигитнинг бошидаги дўппи мени сергак торттиради. Шу баҳона ён-атрофимга яхшироқ разм соламан. Рус, қозоқ, қирғиз, тожик сўзлари, менга нотаниш бўлган яна турли-туман тилларда айтилаётган сўзлар... Ҳамма-ҳаммаси карнай садоларига жўр бўлаётгандай. «Умумхалқ байрами» деган иборанинг ҳаётий инъикоси шу эмасми?!

Сайил. Осмонга турли ранглар фаввораси отилади. Ҳамма учун янгилик. Кўнгиллар ҳам ўша ранглар бўйи ўсади.

Сайил. Наврўз. Тўғри, ҳеч ким «Бугун Наврўз келди» дея ҳайқираётгани йўқ. Лекин, қалбларда янгиланиш, кўчада, одамлар орасида, табиат қучоғида бир Янгилик кезиб юрибди. Бу — Янги кун. Бу — Йилбоши.

НАВРЎЗ САНЪАТЛАРИ

Асрлардан буён ардоқланиб, асраб-авайлаб келинаётган, ўзбек маданиятининг ажралмас, мукаммал қисми — халқ амалий ва бадиий санъати намуналари ҳар доимгидан кўра кўзни қувонтиради, шодиёналарга ўзгача шукуҳ, анъанавий бир тус бериб туради. Қатор тизилган «уй»чаларда турли вилоятдан келган халқ санъаткорлари — дурадгорлар, наққошлар, кандакорлар, каштачилар, мисгарлар ўз машаққатлари маҳсули — нодир, бежирим санъат намуналарини намойиш этишмоқда. Уларга қараб, уни шу даражага етказиб, авлоддан авлодга мерос қолдириб келаётган усталар ҳимматига тасаннолар айтмай иложингиз йўқ.

Дарҳақиқат, Хоразм ва Бухоронинг, Фарғонаю Самарқанднинг бир маънавий денгиздан сув ичган, аммо, ўзига хос нафислик билан ажралиб турган тўнлари, кашталари, гилами, эшигу ромлари умум, бир улкан маданият, дид ва зиёдан дарак бериб, миллатнинг бу қутлуғ айёмини азалийлик ва замонавийлик билан бойитиб турибди.

Урганчдан келган дурадгорлар Наврўз сайилига нақшинкор, ўймакорлик усули билан ёғочдан ишланган бежирим ва ҳашаматли эшикларни олиб келишган, ундан ташқари худди шу услубда ишланган мебеллар мажмуи ҳам ҳайратингизни оширади. Хоразмлик устанинг сўзларига қараганда бир дона эшик яратилиши икки ёки уч ойга чўзилиши мумкин экан. Аммо, эшикда жило бериб турган қадимий нақшларнинг мукаммаллиги минглаб йиллар сир-синоатидан сўзлаётгандек туюлади. Асрлар оша келаётган бу жило азалий ва абадий Наврўз айёми билан ажиб ҳамоҳанглик яратади. Биз уста Қўзивой Жуманиёзов ва унинг шогирдларига ташаккур билдириб, кейинги кўргазмалар томон ошиқамиз.

Хоразм вилоятидан келган опасингиллар ўз тикувчилик санъатлари билан барчани лол қилишган. «Уй»чанинг деворларида осилган кашталар, сўзаналар, пойгакда тўшалган (тўқилган) гиламлар ёрқин, бетакрор таассурот қолдиради.

Қашқадарё вилоятининг Косон туманидан келган Гулшан Бозорова якка тартибда фаолият кўрсатиб келяпти. Қадимги каштачилик санъатини чуқур эгаллаган. «Наврўз мен севган байрам. Чунки шу айём муносабати билан барча нарсаларга қайта жон ато этилгандай, тикаётган ишимиз ҳам ўзгача товланаётгандай бўлади», дейди у.

Қадимий ва навқирон руҳ уйғунлашиб кетган сайилгоҳ кўргазмалари оралаб қанча кўп кезсангиз Наврўзнинг улуғлигини, халқимиз уни қанчалар интиқлик билан кутганини бутун шуурингиз билан ҳис этасиз. Унинг қудратига, илоҳийлигига имон келтирасиз.

Халқимизда ҳамиша нуроний отахон-онахонларимиз эъзозда, ҳурмат-иззатда бўлиб келишган. Шундоққина йўлаклар четига қўйилган сўриларда табаррук отахонларимиз бир пиёла чой устида суҳбат қуриб ўтиришибди. Бу ҳам байрамга ўзгача ҳусн, кайфият бахш этгандай. Отахонларни байрам билан қутлаб, Наврўз тилаклари билан қизиқдик.

— Наврўз — янгиланиш, покланиш байрами. У ризқ-рўз, насиба байрами. Бу қутлуғ кунда табиат, бутун борлиқ янги ҳаёт палласига қадам қўяди. Шунинг учун ҳам у халқона сайил тариқасида ўтади. Одамларни янги кун сари етаклайди. Деҳқон кўнглини яйратади, барчамизнинг ризқу насибамиз бутун бўлсин, — дейди Чилонзор тумани Дўмбробод маҳалласида истиқомат қилувчи Миршароф бобо.

Дарҳақиқат, отахоннинг ўгитларида улкан маъно бор. Наврўз жамики борлиққа қайта жон ато этади. Ер уйқудан уйғонади. Табиат кўзини очади. Одамлар кўнглига яшил бир уйғониш оқиб киради. Улар тириклик кўйига тушадилар. Ризқ-насибани бутун қилиш учун табиат билан янада яқинлашадилар.

Нуронийлар дуоси ҳамиша ижобат бўлиб келган. Биз ҳам уларнинг самимий тилакларига қўшиламиз.

Наврўз сайилидаги бир эътиборли лавҳани айтиб ўтмаса бўлмас.

Ўзбекистон Президенти халқ санъати намуналари билан танишар экан, нуроний отахонлар билан ҳам суҳбатлашди. Уларнинг дуосини олди. Бу қутлуғ кунлардаги самимий тилакларга барча йиғилганлар қўл очиб, омин қилишди.



НАВРЎЗ УДУМЛАРИ

Наврўз нафақат инсон ва табиатнинг, балки миллий ва қадимий урф-одатларимизнинг ҳам янгиланиш давридир.

Кўпкари, кураш каби спорт турлари, чиллак, хўроз уриштириш, арқон тортиш ва бошқа бир қанча миллий ўйинларимиз ҳам шу кундан бошлаб қайта «жонланади». Улоқ чопиш, курашда ғолиб бўлишнинг ҳам ўзгача гашти бор. Улкан мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида — маҳалла-ю овул, қишлоқ ва шаҳарларида, қиру адирларда бугун ўзгача шукуҳ, ўзгача кайфият. Ана шундай шукуҳли ва янгиланиш байрамини ота- боболаримиздан бизга ажойиб мерос бўлиб қолган миллий ўйинларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ёшлар, болалар дам учқур отларнинг шамолдек елишидан хурсанд бўлишса, гоҳ полвон акаларининг маҳоратларига қойил қолишади. Чаққонлар улоқда ғолиб бўлишса, Алпомишсифат, келбатли полвон йигитлар курашда ғолиб келмоқда.

Арқон тортаётган қизлар ҳам улардан қолишмайди.

Буларнинг барча-барчаси Наврўзи олам шодиёнасидир. Жонланиш, янгиланиш, меҳнат фаслининг, қолаверса, ўлкамизнинг янги кунидир.

Байрам тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Наврўз бир кунлик байрам эмас. У ўлкамизда баҳор бўйи давом этади.

Салим АШУР,
Нурбек ТОШНИЁЗ,
Малик МАНСУР,
Абдумалик ҲАЙДАР

***

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ ва Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

Наврўз нақллари

АБУ МУСЛИМ АФСОНАСИ

Кўҳна дунё бу. Унинг сир-асрори ҳам бисёр. Ҳеч ким, ҳеч қачон олам жумбоқларини тўла еча олмаган, аммо ечиш ниятидан ҳам бир зум қолмаган. Сўзлайверсам гап кўп, ҳикоя қилаверсам ривояту афсоналар тўп-тўп. Қай бирин айтай? Яхшиси ўзимга яқинидан сўз очай, киндик қонимиз томган шу азиз маскан жавоҳирларини оқ қоғоз узра сочай. Тарихий ҳақиқат ва афсоналарни қўшиб, гоҳ ёниб, гоҳ жўшиб-жўшиб Навоий вилоятидаги Қизилтепа заминига дахлдор ҳикоят сўзлай, шунда ҳам маъқулини кўзлай. Бир дам барча ташвишларни унутинг, ҳикоямга қулоқ тутинг.

Эл-улусда зар сочар дарё деб таърифланган, не-не олиму фузалолар, шоиру машойихларга илҳом берган Зарафшон билан, халқнинг севимли байрами Наврўз билан чамбарчас боғлиқ нақл бу.

Тарихдан бир шингил.

... Ат-Табарийнинг «Тарихий Табарий» китобида ёзилишича, Абу Муслим (Абдураҳмон ибн Асад) асли марвлик бўлиб, «бани Ажул қабиласининг озодлик берилган қулларидан эди». Ёшлигидан эпчил, бақувват, жасур ва тадбиркор бўлиб ўсган Абу Муслим Хуросонда, ҳаттоки шарқдаги баъзи шаҳар ва қишлоқларда ҳам шуҳрат қозонади.

Ҳали 28 ёшга етмасдан номардлик қурбони бўлган Абу Муслим халқ дарди, халқ ташвишини англаб етди. Улкан сув йўли — Коми Абу Муслим ана шу олижаноблик натижасидир. Мана, 1250 йилдан буён ана шу иншоот тириклик манбаи сифатида хизматда. Ҳеч бўлмаганда биргина шунинг учун ҳам Абу Муслим номини эъзозлашга бурчлимиз. Эндиликда, бу сув иншоотининг асосий қисми қайта қурилган ҳамда бетонлаштирилган.

Ривоят. Умумхалқ ҳашар йўли билан қазилган Коми Абу Муслим ишга туширилган кун теварак - атрофдагилар учун қўшалоқ байрамга айланибди. Чунки улуснинг асрий орзуси рўёбга чиққан кун Наврўзи олам байрамига тўғри келган эди-да!

Коми Абу Муслим бошланадиган Зарафшон бўйида катта тўй. Баланд қўрғондаги ҳув, оппоқ чодир Абу Муслимники. Бугун саркарданинг кўкси тоғ, кўнгли беҳад чоғ. Яқин кишилари қуршовида байрам нашидасини сурмоқда. Севинчлари юракка сиғмай жўш урмоқда. У гоҳо созанда - ашулачилар даврасида куй-наво тинглаётган ҳолда кўринса, гоҳо улоқ чопаётган чавандозлар ҳузурида бўлиб, ғолибларга соврин улашарди. Бир зумдан сўнг эса у қари-қартанглар, ёш - яланглар даврасидан жой олар, кексалар қўлидан чой, баҳодирлар илкидан эса шарбат оларди. Абу Муслим шу куни кўпларга ҳадялар улашди, бир даврада ҳатто чапдаст полвонлар билан беллашди.

Шундай ўтар эди сайилгоҳда ҳар дам. Бор бўл доим, эй Наврўзи олам! Муборак, эй улус, қутлуғ янги кун, янги бахтиқбол!

Эй наҳри азим, Коми Абу Муслим, қайнаб-қайнаб, тўлиб-тошиб оқ, оби ҳаёт мўл бўлса, эл-улус бахти порлоқ! Иншоолло!

Ёш саркарда барисини шодхуррам томоша айлар, қурган - кечирганларини қалбига жойларди.

Абу Муслим тушдан сўнг оппоқ чодирда ўтириб, кишиларни чорлади, арз билан келганларнинг истак-хоҳишини тинглади, кўпларни меҳр ила сийлади. Ана шунда ғалати воқеа рўй берибди.

Мисли қордек соқоли кўкрагини қоплаган бир чол Абу Муслим қаршисида тиз чўкиб, уни дуо айлагач:

— Эй, нажоткор тақсирим, - дея сўз бошлабди: — Халқ ишига ўзни сафарбар деб билдинг ва кўп-кўп савоб олдинг. Саховатинг бениҳоя қутлуғ, сенингдек зотга элим айламоқда қуллуғ. Рози бўлсанг эди, шу фурсат — яна бир ҳиммат кўрсат.

— Хўш, хўш, отахон, сўзланг. Не орзуингиз бор, биз доим тайёр?

Чол чодирдан чиқиб, чамаси ярим чақирим қўйирокдан дашту биёбонга ишора айлаб, дебди:

— Ҳув, ана у кенгликни кўряпсанми, эй соҳибқирон? У беповён даштни биз майсазор деб атаймиз. Чунки фасли кўкламда у жой сабзагул бўлади, аммо жазирама ёзда у ердаги ўт-ўлан ҳам, қурт-қумурсқа-ю, бари жонивор ҳам тирик қолмайди, сўлади ва ўлади.

— Нечун?

— Сув йўқ!

— Кўнгилни айланг тўқ. Камми ҳали биз қазиган наҳримиз?

— Йўқ, йўқ, бунинг учун минг бора таъзим.

— Хўш, яна не лозим? Очиқроқ, сўзланг.

— Тақсирим, тилагимиз ушбу: қирқ норғул йигитнинг отасимен. Улар кучи билан майсазор томон кичик бир ариқ чиқарсак, ўша жойда манзил қурсак. Ўша масканни муборак номингиз билан атасак. Ана шунга сиздан лозим бир рухсати дуо, шудир муддао.

Абу Муслим ўшал заҳотиёқ чол айтган кўриқ томон сув йўли чиқаришга буйруқ берибди. Ўша баҳордаёқ сув тўлиб оққан бу ариқни ҳозиргача халқ «Қирқ йигит» деб атаб келмоқда. Унинг атрофида қад ростлаган қишлоқ эса Ғардиёндаги бугунги Майтадир (Майта майса сўзидан келиб чиққан эмиш).

Умид САТТОРОВ

Тоққайчилар ишга тушди.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

Бокс

ВАТАН НОМИНИ ШАРАФЛАБ...

Баҳорий кайфиятдаги минглаб спорт мухлисларининг қувончларига қувонч қўшилди. Олмониядан ғолиблик камарини белига маҳкам боғлаб қайтган бухоролик профессионал боксчи Фурқат Турсуновнинг зафари нур устига нур бўлди. Бу ютуқ мамлакатимизда бокс, хусусан қўлларига чарм қўлқоп кийган йигитлар спортнинг мазкур турини ўзларига касб қилаётганликларидан нишонадир. Умуман юртимизда боксниг профессионал мақом олаётгани, оммавийлик ва маҳорат бобида жаҳон андозаларига мослашаётганимизнинг амалдаги намойиши бўлмоқда. Ишқибозлар фахрланиб келаётган Р. Рисқиев, А. Григорян, К. Тулаганов, Д. Ёрбековларнинг издошлари кўпаймоқда.

Фурқат 29 ёшда бўлиб, бугунгача халқаро мусобақаларда 13 та учрашувда қатнашган. Шундан тўққизтасида ғалаба қилиб, саккизтасини нокаут билан якунлаган. Бир ўйин дуранг бўлган. Моҳир боксчи сўнгги учрашувини ҳам кутаринки руҳда ўтказди. Рақиби унинг зарбаларига 11-раундга борганда дош беролмади. Фурқатнинг қўли ғолибона кўтарилганда мадҳиямиз тароналари янгради. Ғолиб йигит «Трансконтинентал» кубоги соҳиби бўлиб, белига рамзий белбоқни боғларкан ой-юлдузли байроғимизни фахр билан кўксига босди. Боксчини Тошкентда кутиб олиш узига хос тантанага айланди. Республика спорт қўмитаси раиси уни қабул қилиб, «Биллур қўлқоп» билан сийлади.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ВИЖДОН АЗОБИ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 10 февраль сонида чоп этилган «Виждон азоби» сарлавҳали мақолада келтирилган фактларни аниқлаш учун ВССБ мудирининг 12.02.1998 йилдаги 17-сонли буйруғи билан комиссия тузилди. Комиссия текширув ҳисоботига асосланиб вилоят клиник шифохонаси биринчи ва йирингли жарроҳлик бўлими мудирлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлари учун лавозимидан бўшатилдилар. Назоратни бўшаштириб юборганлиги учун бош врачнинг жарроҳлик хизмати бўйича ўринбосари ойлик маошидан 40 фоиз чегириб қолиниб, бюджетга кирим қилинди. Бош врачга эса ҳайфсан эълон қилинди.

Мақолада номлари зикр этилган беморлар С.Шафиева, М.Мирзаахмедова, С.Қўзибоеваларни операция қилган ва даволаган кафедра ходимлари доцент А.Мирзаев ва тиббиёт фанлари доктори И.Сулаймоновга камчиликлари кўрсатилиб ўтилди ва маъмурий чора кўриш учун Андижон давлат тиббиёт институти ректорига маълумот юборилди.

Мақолада келтирилган фактлар вилоятдаги барча даволаш-профилактик муассасалари ходимлари ўртасида муҳокама қилинди ва аниқланган камчиликлар қайтарилмаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудири А. ОТАХОНОВ.

«НАВБАҲОРДА НИМА БОР?»

Навоий вилояти ва Навбаҳор тумани ҳокимликларида «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 23 декабрь сонида чоп этилган «Навбаҳорда нима бор?» сарлавҳали танқидий мақоласи атрофлича муҳокама қилинди ва кўрсатилган камчиликларнинг кўпчилиги ҳақиқатан ҳам туманда мавжуд эканлиги эътироф этилди.

Навбаҳор тумани 1980 йилда ташкил этилган. Туман ташкил топган дастлабки вақтларда кўнгина маданий-маиший объектлар қурилишлари бошланган эди, аммо бир неча марта туманнинг Бухоро ва Самарқанд вилоятларига қайта қўшилиши ва ажралиши туманнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатди ва бошланган қурилишларнинг маблағ ажратилмасдан тўхтаб қолишига сабаб бўлди.

Ҳозирги вақтда туман марказида 8 километрли табиий газ қувури ўтказилиб, марказда яшовчи 50 фоиз аҳоли табиий газ билан таъминланган, 5,2 километрли ичимлик сув қувури ўтказилди ва ушбу йилнинг охиригача туман маркази тўлиқ табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланади, 500 ўринли маданият саройи комплексининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. 1999 йилда қурилишни бошлаш режалаштирилган, истироҳат боғи ташкил этиш, йилнинг охиригача тўлиқ жиҳозлаш ва ишга тушириш бўйича иш олиб борилмоқда. Деҳқон бозори, автовокзал қурилиши давом этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисида»ги 182-сонли қарори бажарилишини таъминлаш бўйича туман ҳокими қабул қилган қарорда туман марказида қишки кинотеатр, ҳаммом, турар жой бинолари ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши режалаштирилган.

Вилоят ҳокими муовини Э. БЕРДИЕВ

«НАВРЎЗИЙ МУШОИРА» ЎЙЛАНМАСИ



Азиз муштарийлар!

Аввало қуйида келтирилиб, рақамларда ифодаланган шеърий мисралардаги сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Эркин Воҳидовнинг «Наврўз нашидаси» шеъридан:

Бошингда 21, 13, 1, 1, 2, 23, 10 қуёшинг бордир,
Ўз туғро, байроғинг, юртбошинг бордир.
Мақсадинг, ғайратинг, бардошинг бордир,
Ватаним муборак бўлсин, Наврўзинг!

2. «Наврўз» халқ қўшиғидан:

Ҳой, боғбон бобо, ниҳолингга берсин барака!
Ҳой, деҳқон бобо, далангга берсин барака!
Ҳой, 24, 22, 25, 7, 27 бобо, қўрангга берсин барака!
9, 7, 20, 24, 16, 24, 3, 14 чиқибди, бугун Наврўз экан!

3. Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий шеъридан:

Илоҳи ҳар кунинг Наврўз бўлсун,
Ҳамиша толеъинг феруз бўлсун.
Бўлиб айёми Наврўзинг муборак,
Замиринг инбисот андуз бўлсун.
Қилиб 25, 3, 1, 10, 3, 17 фиканлик айни адлинг,
8, 13, 26, 18 осо жаҳон афруз бўлсун.

4. Азим Суюннинг «Йил боши» шеъридан:

Хуш келдинг, Наврўзим, Ўзбекистонга,
Хуш кўрдик мойчечак 9, 7, 6, 7, 5 гуллари.
Истиқлол юз очган ота маконга
Анбарлар ташийди тоза еллари.

5. Умар Хайём рубоийсидан:

Гул чеҳрасида насими Наврўз хушдир,
Боғ саҳнасига рухсори 6, 2, 4, 3, 19, 1, 22, 15 хушдир,
Шод бўсаю ҳар кимса бутун завқи билан,
Ўтган кундан очилса гар сўз хушдир!

6. Шоира Фароғат Камолова шеъридан:

Яна бир айланди чархи кажрафтор,
Муборак заминга кўклар юкинди.
Ўткинчи дунёда ғоялар бекор,
Шамоллар лолалар қонидан синди:
Наврўзинг муборак она 10, 13, 1, 14, 2, 12, 10, 7, 27!

7. Амир Хуслав Деҳлавий рубоийсидан:

Наврўз кечибон, ғунчага юз-юз келгай,
11, 13, 4 чеҳрасига ишва-ю пардоз келгай.
Наврўз кетаркан — ўзидан кетгай гул,
Наврўз келаркан — ўзига боз келгай.

Энди очқич сўзлари асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, ўйланмани ҳал этинг. Унда шоир Жуманиёз Жабборов қаламига мансуб шеърдан тўрт мисра аён бўлади. Шакл марказидаги рақамлар қаторида мазкур шеър номи ифодаланган.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИ» ЎЙЛАНМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Сароймулкхоним. 2. Модарихон. 3. Нозимахоним. 4. «Муножот». 5. Тамарахоним. 6. Мохларойим. 7. Меҳр. 8. Рабиалмулк. 9. Каштадўз. 10. Зеби. 11. Ибо. 12. «Ойсулув». 13. Восиқова. 14. Анзират. 15. Темирова. 16. Атлас. 17. Ситорабону. 18. Умидова. 19. Аҳмедова. 20. Аминова. 21. Абдураҳмонова. 22. Адолат. 23. «Тўмарис».

МУАММОНОМА

Очқич: 1. Қиммат. 2. Жафокаш. 3. Соябон. Ёд. 4. Кундуз. 5. Раъно. 6. Лола.

Ҳикмат: «Ким араб алфозида жинси муаннисдир қуёш — яъни араб лафзида офтоб Аёл жинсидандир».

Танишинг, билағонлар: *булунғурлик Муҳайё Аҳмедова билан форишлик Йўлдош Бердибеков «Аҳли жаҳондин яхшилиқ» ўйланмасига тўлиқ жавоб топишган.*



«БИЗДА ҲАММА ИШЛАЙДИ...»

Далил ва таҳлил

Беруний туманидаги Улуғбек номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ташқи бошқарувчиси Рустам Янгибоевни шўрланган далалар, жумладан, ўтган йилги ғўзапояси тозаланмаган 350 гектар пахта майдони, пахтачиликдан совиб, уйига зах чиқишига қарамай, ҳовлисининг таккинасидаги бир кафт ерга ҳам шоли экиб, шунинг даромадига кўз тиккан одамлари билан кутиб олди. Ва яна 98 миллион сўм кредитор қарзлари билан...

Кейинги уч йил ичида на пахта, на дон етиштириш бўйича режалар уддаланди. Ўтган йили пахтачиликдан 57 миллион 313 минг сўм зарар кўрилган.

— Уюшмага қарашли 1875 гектар экин майдонининг асосий қисмида мелиоратив аҳвол ёмон. Ерларимиз қўшни тумандаги Ақчакўлдан анча пастда жойлашган. Уюшма ҳудудидан марказий Беруний коллектори ўтади. Ерлар насос билан суғорилади. Уюшма ерлари тўртта каналдан сув ичади. Энг ёмони, тўртта каналнинг охири шу ерда тугайди. Демак, бу сув етмайди, деган сўз.

Уюшманинг катта-кичик раҳбарларидан ана шундай изоҳни эшитиш мумкин.

Ўтган йил фақатгина Қурбонбой Қутлиев бошлиқ бригада 35 гектар ердан 70 тонна пахта етиштириб, режани уддалади. Унинг бригадасида 33 центнердан ҳосил олган пудратчилар ҳам бор. «Унинг ерлари яхши», — дейишди.

Бошқаларнинг ёмон ҳосил олишига эса фақат ерларнинг ёмон эканлигигина сабаб эмасга ўхшайди.

Сарф-харажат ва даромад ҳақидаги саволимга бригадир Бахтиёр Байдуллаев «бухгалтериядан сўрасак бўлар, мен бунинг ҳисобини билмайман», деб жавоб берди.

Уюшмада меҳнатчилар ижара асосида ишлаётгани номигагина шекилли. Чунки, ҳозиргача бригада бошлиқларидан ташқари бешта бўлим бошқарувчиси ҳам ишлаб келган. Уларнинг ҳар қайсисида биттадан механик ва ҳисобчи бўлган.

Ташқи бошқарувчи ишни ана шу бешта бўлимни тугатишдан, жами 87 та нокерак иш ўринларини қисқартиришдан бошлади. Лекин уюшманинг молиявий аҳволини соғломлаштириш йўлидаги барча ишлар ҳам ана шундай битта буйруқ билан битадиган масалалар эмас. Масалан, ғўзапояси тозаланмаган 350 гектар майдонда экишнинг кечикиши аниқ. Йиллар давомида ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, унумдорлиги пасайган ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш учун катта куч ва маблағ талаб этадиган ишлар мажмуини амалга ошириш зарур. Бир неча йиллардан буён ишламаётган гишт ишлаб чиқариш цехи бор. Бир вақтлар яхшигина лимон, сабзавот етиштирилган иссиқхона ҳам яна даромад берадиган, қишлоқ аҳлини қўшимча иш жойи билан таъминлайдиган манбага айлантириш учун ҳали раҳбарнинг анча жон куйдиришига тўғри келади.

Дарвоқе, ишга келган дастлабки кунлари Рустам Янгибоев озгина «изқуварлик» ҳам қилишга тўғри келганди. Иссиқхонадан 320 метр қувурни кесиб ўғрилаб кетишибди. Ўша қувурни ўрнига қайтарди.

Кимдир одамларга фойда берадиган умуммулкни олиб кетишга ҳаракат қилган, атрофдагилар эса бунга бефарқ, лоқайд бўлган эканлар. Бунинг сабабларини кишилар онгига «уюшмада бўлса, менда ҳам бўлади», деган фикрни сингдириши керак. Бу жуда қийин. Лекин энг асосийси ҳам шу.

Ҳар ҳолда йил бошидан уюшма аъзоларида жонланиш бор. Уюшма ҳисобига тушган икки миллион сўм бўнак пулидан, энг аввало, ишчиларга маош тарқатилди...

Шу билан битта уюшманинг ночорликка тушиш сабаблари ҳақидаги фикрларга нуқта қўйсак ҳам бўларди. Лекин сизни биргаликда худди шу уюшма ҳудудида яшаб, ишлаётган хусусий тадбиркор Рейимбой ота Йўлдошев хонадонига назар ташлашга таклиф қиламиз.

Рейимбой отанинг ҳовлисига кирган кишининг кўзи аввало, буғдой ўриш комбайни, «Олтой», МТЗ тракторларига тушади. Бу тракторлар хусусий.

Рейимбой отанинг ерлари ҳар хил: унумдор ва шўрланганлари ҳам бор. Унинг ерларига сув олиб келадиган бешинчи канал йўқ. Улар ҳам далаларни насос билан суғоришади.

Ўтган йил 90 гектар далага пахта экиб, режадаги 25 центнер ўрнига гектаридан 39 центнердан ҳосил кўтариб, 354 тонна пахта сотишди. Пахтанинг ўзидан 7,5 миллион сўм даромад қилишди. 13 тонна буғдой ҳам сотишди.

Бешта ўғлининг барчаси трактор ҳайдашни билади. «Бизда қўлини белига қўйиб, дала бошида турадиган раҳбар йўқ, ҳамма ишлайди», — дейдилар ота. Ҳамма дегани — ўзи, кампири Саодат опа, беш ўғил ва беш келин, тўрт қизи билан куёвлари. Терим мавсумида 150 ишчи ёллашди. Терим ҳақини ҳар куни нақд бериб туришди. Пахта ёғини ҳам бозорга олиб тушмайдилар, арзон баҳода қўшниларга сотишади. Одамлар ҳам ёнидаги бойиса элга, атрофдагиларга фойдаси тегишини тушуниб қолишган.

...Рейимбой ота билан хўжалигини айланганимизда барча далалар бир текис суғориб қўйилганининг гувоҳи бўлдик.

— Кузда улгурмабсизлар-да, — дедим суғорилган дала билан ёнма-ён ғўзапояли далани кўрсатиб.

Рейимбой ота мийиғида кулиб қўйдилар.

Кейин билсам, бу дала Улуғбек номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг 11-бригадасига қарашли экан...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Оила - 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Фамилияси: **Жўраева.**
Исми: **Қимматхон.**
Қачон, қаерда туғилган: **1894 йил, 21 март — Наврўзи олам куни Чироқчи туманидаги Хўжаабдужаббор қишлоғида туғилган. Ҳозир ҳам шу ерда яшайди.**

Узоқ умр кўришининг сири: **Ҳар қандай даврда ҳам фақат табиий неъматларни истеъмол қилган. Етти фарзандини ҳалол меҳнати билан тарбиялаб, ўстирган.**

Юз ёшнинг хулосаси: **Авваломбор бутун дунё, жумладан юртимиз тинч бўлсин. Икки юздан ортиқ невара, эвара, чеваралари бахтига ва юрт фаровонлиги учун Яратганнинг ўзига шукроналар айтиш.**

КАШАНДАЛАР, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти келтирган маълумотларга кўра, дунёда сигарет чекиш туфайли ҳар йили 3-3,5 миллион одам ўлим топмоқда. 2002 йилга келиб бу рақам 10 миллионга етиши мумкин.

Ҳозир тамаки маҳсулотлари энг кўп истеъмол қилинадиган мамлакат Польшадир. Бу мамлакатда балоғат ёшига етган кишилар йилига ўртача 3650 дона сигарет чекади.

Ташкилот мутахассисларининг аниқлашича, кашандалар орасида кенг тарқалаётган ўпка раки хасталиги дунё бўйича ҳар ўн секундда бир кишининг бевақт ўлимига сабаб бўлаётир. Илгари бу касаллик кўпроқ АҚШда учраган бўлса, ҳозир Хитойда авж олган.

ЧЕКИШГА ҚАРШИ ҚОНУН

Канадада чекишга қарши мамлакат миқёсида бир қанча тадбирлар ўтказилаётир. Яқинда парламент вакиллари тамаки маҳсулотларини спорт ва маданий байрамларда реклама қилишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилгани ва у жорий йилнинг апрель ойида эълон қилинишини маълум қилди. Мазкур қонун 1999 йилнинг 1 октябридан кучга киради. Айни пайтда, табиийки, мамлакатдаги тамаки ишлаб чиқарувчи компаниялар ушбу қонуннинг қабул қилинишига кескин норозилик билдирмоқда.

Канада ҳукумати ўтказган сўровлардан маълум бўлишича, аҳолининг 74 фоизи ушбу қонун қабул қилинишининг тарафдори. Албатта, унинг ишлаб чиқилиши бежиз эмас, бугунги кунда Канадада кашандалик анча ривожланган «соҳа»лардан бирига айланиб бормоқда. Натижада мамлакатда йилига 40 мингга яқин киши кашандалик туфайли ҳаётдан кўз юммоқда.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

23. 03. 98

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ер ва диёр тароналари».
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Сайил».
9.05 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 «Диққат,мотор!» Видеофильм. 10-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Сорбон».
10.30 «Кино янгиликлари».
10.45 «Ўзбек киноси иждодкорлари».
11.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
11.30 «Омад юлдузи». Телеўйин.
12.05 Кундузги сеанс. «Финист—сарлочин». Бадиий фильм.
13.20 Телевизион миниатюралар театри.
14.10—14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Металлург» (Бекобод).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Томоша» сумалаги.
18.40 «Ҳиммат».
19.00 «Олам ва одам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Фасли навбаҳор бўлди». Мусиқий дастур.
21.35 «Ойдаги доғлар».
22.30 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль премьераси. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол.Ўзбекистон чемпионати. «МХСК» — «Зарафшон» (Навоий).
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
19.05 «Келгуси ҳафтада».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 Сиз еқтирган қушиқлар.
21.20 «Бурч ва масъулият».
21.30 «Ойдин қадамлар».
21.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.35 «Олтин мерос».
22.45 «Даракчи» (рус тилида).
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.55—24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!.
III
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
18.20 — 21.40
*
21.40 «Дунёқараш». Тележурнал.
* * *
Россия давлат телевиденеси
22.00—22.30
* * *
22.30 Эълонлар.
22.35 Экранда сериал: «Жиноят изидан». 1-серия (Олмония).
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05, 21.50 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Умид».
«Айчурек».
20.55 «Мусиқали танаффус».
21.00 Табиат шифохонаси.
21.10 «Ҳамкорлик».
21.30 «Намастэ».
21.55 «Гуаллик ва мангулик ҳақида».
22.15 «Спорт-тайм».
22.45—22.55 «Ҳайрли тун!».

24. 03. 98

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўлмас мерос».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Қотиллик пайида». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Инглиз тили.
10.35 «Мен туғилган тупроқ».
10.50 «Филполвон оғриб қолди». Мультфильм.
11.00 «Бармоқлар сеҳри».
11.15 Болалар учун. «Умид учқунлари».
11.35 «Олам ва одам».
12.05 Ўзбек куйларидан концерт.
12.35 «Шукуҳ».
13.00—14.00 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 1-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.30 «Санъаткор саодати». Машраб Эрматов.
18.50 «Бугуннинг ўйлари».
19.05 «Мулоқот». Адабий кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Қалқон».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00"Мусиқий саёҳат».
21.20 «Маърифатнома».
22.00 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль премьераси. 2-қисм.
23.00 «Ташаббус—97».
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Сурхон» (Термиз).
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттуплам.
18.35 «Еввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Сеҳрли ўлка ҳақида ҳикоя». Британия.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Суз хусусида суз».
20.05 «Онагинам».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Спорт қитъаси».
21.30 Кундалик.
21.40 Шарқ тароналари.
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Кинонигоҳ. «Тунги буса».
00.10—00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
7.30 — 9.00
*
18.20—21.40
*
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
* * *
Россия давлат телевиденеси.
22.00— 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Жиноят изидан». Бадиий фильм. 2-серия.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05, 21.55 — Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.25 «Мусиқий дақиқалар».
20.30 «Ўйинғоҳ».
20.50 «Телефакт».
21.00 «Мусиқий дақиқалар».
21.05 «Дорихона эшитади».
21.35 «Хит-коллекция».
22.00 «Қувноқ кино».
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

25. 03. 98

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Куйла, ёшлигим». Концерт.
8.50 Болалар учун. «Тенгдошларинг ижодидан».
9.15 «Қотиллик пайида». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 «Алифбо сабоқлари».
10.55 Ўзбекистон чемпионати. Каратэ.
11.10 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
11.30 Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
12.05 «Жараён».
12.30 «Танаффус». Мультфильм.
12.40 «Туй ҳангомалари». Кинокўрсатув.
13.00 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль.2-қисм
14.10—14.30 «Меҳрингиз ардоғида».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ёруғ олам кўзгуси».
18.25 «Сени гулга қиёслай, ўлкам». Мусиқий дастур.
18.45 «Ўзбекистон ва жаҳон».
19.05 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.50, ,20.25, 20.55, 22.00, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Мухлис ёҳуд қушиқ изидан...».
22.05 «Тажовуз».
22.30 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль премьераси. 3-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ҳудуд».
20.15 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тарона».
21.15 «Хонадон».
21.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.20 «Даракчи» (рус тилида).
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 «Буюк изқуварлар. Коломбо». Сериал.
00.15—00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
21.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевиденеси.
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 Ким Бессинжер «Орзулар мамлакатида» фильмида.
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05, 22.00 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Шифокор қабулида».
20.20 «Оҳанглар оғушида».
20.30 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.50 «Автосалтанат».
21.00 «Дурдаршан».
21.30 «Нафосат гулшани».
22.05 «Олтин хазина». Эркин Воҳидов. «Олтин девор». 2-қисм.
23.15 — 23.25 «Ҳайрли тун!».

26. 03. 98

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 "Ахборот".
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Дилрабо садолар». Мусиқий дастур.
8.55 «Орзули юрт одамлари».
9.15 «Қотиллик пайида». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
10.55 «Хамал хаёллари». Кинокомпозиция.
11.10 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.40 «Эл тинчлиги йўлида».
12.05 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
12.25 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.45 Болалар учун. «Мактабларда Наврўз байрами».
13.05 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 3-қисм.
14.10—14.30 «Бокира туйғулар».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Саёҳат». Мультфильм.
18.20 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
18.35 Теннис-клуб.
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Юрак кенгликларида». Ғуломжон Ёқубов.
21.30 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль премьераси. 4-қисм.
«Сомон йўли»
Маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси:
22.35 «Абадият қушиғи».
22.55 «Нотаниш дил суҳбати».
23.10 «Ибтидо иноятн».
23.30 «Ахборот».
23.55 «Муқаддилик майдони».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.25 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Дилнавоз садолар».
18.55 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқа теграсида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сир».
21.10 «Иймон».
21.30 Оилавий экран. «Насиб». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1-серия.
23.00 «Даракчи».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Оилавий экран. «Насиб». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 2-серия.
00.50—00.55 Тунингиз хайрли бўлсин!.
III
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
7.30—9.00
*
18.20—21.40
*
21.40 «Баҳор тароналари». «Тошкент лавҳалари». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевиденеси
22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Самодан келган меҳмон». Бадиий фильм. Бош ролда Халқ Ҳоган.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевиденеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05, 22.10 — Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «02» тўлқинида.
20.10 «Суҳбатдош».
20.30 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.00 «Дўстим ҳақида».
21.20 «Интерспорт».
21.40 «Каталог».
21.50 «Мусиқий олимп».
22.15 «Киносалон».
23.45—23.55 «Ҳайрли тун!»

27. 03. 98

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.40 «ХХ аснинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Мусиқа салтанати».
20.15 «Нозик муъжиза».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дубляж».
21.20 «Ҳуш келибсиз!»
21.40 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.25 «Даракчи».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Бокс. Бокс. Бокс.
23.05 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.30—00.35 «Тунингиз хайрли бўлсин!».
III
18.10 Киноафиша.
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
7.30—9.00
* * *
18.20—21.40
*
21.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевиденеси.
22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Нажотсиз маҳкумлар». Бадиий фильм.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 21.10 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.25 «Маънавият ва Ислом».
20.45 «Бегойим».
21.15 «Дурдаршан».
21.45 «Бу бўстон аро».
22.10 Араб эстрадаси.
22.40—22.50 «Мунаввар тонг истаб».

28. 03. 98

I
6.30 «Ассалом Ўзбекистон!».
8.00—8.25 "Ахборот.
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳруҳ» клуби.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.20 «Талабалик йилларим».
9.40 «Маҳорат».
10.00 «Хобби».
10.25 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 5-қисм.
11.35 «Ҳаёт рисоласи».
12.05 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
12.45 Лирик тароналар.
13.05 «Кичкинтой устахонаси».
13.25 Кундузги сеанс. «Митичара — денгиз жонивори». Бадиий фильм.
14.45—15.15 «Маънавият».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Наврўз чечаклари».
18.20 «Мувозанат».
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Ҳамма кўриши шарти... эмас».
22.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бухоро (Бухоро) — »Нефтчи» (Фарғона).
23.10 «Ахборот».
«Тунги ёғду»
Дам олиш дастури:
23.35 «Олқишлар, олқишлар...»
23.50 «Жан Кристофф». Бадиий фильм. 5—6-сериялар.
01.20—01.25 Ватан тимсоллари.
II
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.25 «Мусиқа салтанати».
9.45 «Нозик муъжиза».
9.55 «Дубляж».
10.15 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.05 Бокс. Бокс. Бокс.
11.25 Болалар экрани. «Нуки». Бадиий фильм.
12.55 «Бир жуфт қўшиқ».
13.10 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
13.30 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.20 Курсатувлар дастури.
14.25 «Мусиқа теграсида».
14.45 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.35 «Мутойиба».
15.55 «Спорт қитъаси».
16.25 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
16.45 «Ургимчак тури». Телесериал.
17.35 «Кулгига нима етсин».
17.50 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Сувости дунёсига сафҳат».
18.55 «Янги ой чиққан кеча».
19.15 «Қонун ҳимоясида».
19.25, 19.50, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Учрашув». Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров.
21.40 «Спорт қитъаси».
22.10 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз!».
23.00 «Даллас». Телесериал.
23.50 «Даракчи».
24.00 Асримиз фильми. «Титаник». 1-серия. Режиссёр Жеймс Камерон.
01.40—01.45 «Тунингиз хайрли бўлсин!».
III
18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
18.25—23.45
*
23.45 Эълонлар.
23.50—24.00 — «Ургут жилолари». Телефильм.
IV
10.00 «Рақслар қанотида».
10.25 Эълонлар.
10.30 «Биргаликда куйлайлик».
11.40 «Шанба эртаги».
12.50—13.20 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз! («Америкага бир назар» курсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).
* * *
17.10—18.45 Туркия телевиденеси.
*
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 21.55 — Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.00 «Далил ва шарҳ».
20.15 Авторейд.
20.25 «Спектаклдан сўнг».
20.45 «Осиё монитори».
21.05 «5 дақиқа ўзим учун».
21.10 «Чинсэн».
21.35 «Ассалом, Франция!».
22.00 Киносалон.
23.30 «Бу ажиб дунё».
23.45 «Спорт-марказ».
00.30—00.40 «Хайрли тун!».

29. 03. 98

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Телеолам».
11.20 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий курсатув.
11.50 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.30 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
13.30 Кундузги сеанс. «Орзулар оғушида». Бадиий фильм.
14.40 «Санъат олами».
15.00—15.40 Усмирлар учун. «Уйла! Изла! Топ!».
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Қушигим, жон қушигим».
18.35 «Сеҳрли шуъла». Кинокурсатув.
19.00 «Узлик». Бадиий-публицистик курсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Сталар сўзи — аклнинг кўзи».
22.05 «Хотира». Мусиқий дастур.
22.45 Спорт. Спорт. Спорт.
«Аср муъжизаси» кинодастури:
23.05 Кино янгиликлари.
23.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.40 «Ўн учинчи қайлиқ». Бадиий фильм.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.
II
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Боланинг тили».
9.15 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
10.40 «Янги ой чиққан кеча».
11.00 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.50 «Спорт қитъаси».
12.20 Болалар экрани. «Астерикс Американи забт этади». Мультфильм.
13.30 «Нью-Йорк». Телесериал.
*
«Якшанбада яхши дам» дастури:
14.20 Курсатувлар дастури.
14.25 Хорижий эстрада. «Backstreet Boys».
14.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.30 «Интер-футбол».
16.10 «Сиз еқтирган қушиқлар».
16.30 Мультипанорама.
16.50 «Ургимчак тури». Телесериал.
17.40 Келгуси ҳафтада.
* * *
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Буш утирма».
18.35 «Синфдош».
19.00 «Бари ҳазил».
19.25, 19.55 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Кенгта-кенг дунё».
20.15 Тақвим. Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Очун».
21.20 «Даракчи».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Миллионлар ўйини».
22.40 Асримиз фильми. «Титаник». 2-серия. Режиссёр — Жеймс Камерон.
24.00—00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!».
III
18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевиденеси.
18.20—23.55
*
23.55 Эълонлар.
24.00—00.25 «Панорама» (рус тилида).
IV
9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?»
9.55 «Якшанба эртаги».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип — антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
13.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик курсатув.
14.15 «Жонли сайёра».
14.35 Клип-антракт.
14.45 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».
* * *
17.10—18.45 Туркия телевиденеси.
*
18.45 «Мультфомоша».
19.00, 21.55 — Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 «Бугунги кун мавзуси».
20.05 Клип-антракт.
20.15 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».
20.45 «Иштирок этувчилар».
21.05 «Жаҳон киноси янгиликлари».
21.35 «Мусиқий олимп».
22.00 Кинасалон.
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

КЕННЕДИ БУЮМЛАРИ КИМОШДИ САВДОДА

Нью-Йорк шаҳар аукциони вакилларининг маълум қилишича, тез орада Оқ уйнинг собиқ хўжайинларидан бири Жон Кеннединнинг 600 дан ортиқ шахсий буюмлари кимошди савдосига қўйилади. Ҳозиргача ҳам АҚШнинг энг машҳур президенти ҳисобланиб келаётган Ж. Кеннеди бисотидаги буюмлар савдонинг илк босқичидаёқ сотилиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам ташкилотчилар буюмларга ҳеч қандай нарх қўймоқчи эмас. Нархларни харидорларнинг ўзи белгилайди.

Мутахассислар сотилажак буюмлар орасида собиқ президентнинг ёзув столи ва кундаликлари савдоси чаққон бўлади, деган фикрда. Чунки, стол ва кундаликлар бевосита Ж. Кеннединнинг президентлик фаолияти билан боғлиқдир.

Савдога собиқ президентнинг қайиғи, ҳатто сиёсий ҳужжатларга имзо чеккан сиёҳли ручкалари ҳам қўйилади.

УСТАБУЗАРМОН — ТАДБИРКОР

Нью-Йоркдаги «Хрусталь» ойнасозлик фирмаси соҳиби Жейсан Харт америкача тадбиркорликнинг беҳад кенг имкониятлари мавжуд эканлигини исбот қилишнинг янги йўлини топди.

Фирма ходимлари билан биргаликда болғалар, тошлар билан қуролланиб, дўконларнинг ойналарини аямасдан синдиришарди. Чил-чил бўлган ойнани тўғрилатиш учун эса жабрланувчи дўкондор яна улардан ойна харид қилишга мажбур бўларди-да. Иш юришгандан юришиб кетди.

Икки йилдан ортиқ давом этган бу «сердаромад усул» Хартга 150 минг доллар соф фойда келтирди.

Қизиғи шундаки, яқиндагина бундай омадли «тадбиркорлик»нинг фаолияти — 5 йиллик қамоқ жазоси билан тугади.

Нигора АЗИМОВА тайёрлади

Париж . Эйфель минораси.

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Қозоғистоннинг собиқ пойтахти — Алматида «Наврўз-98» театр фестивали бўлди. Мазкур фестиваль қўшни мамлакатда 1994 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади.

Бу йилги фестиваль мавзуларнинг рангбаранглиги билан аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Унга мамлакатнинг барча вилоят театрлари ўзларининг сара асарлари билан келган.

Мазкур анъанавий анжуман Қозоғистонда яшаётган барча халқларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

ДИНОЗАВРЛАР НЕГА ҚИРИЛГАН?

Ҳайвонот олами дейсизми ёки ўсимлик олами, борингки, дунёдаги барча мавжудотлар ўзига яраша бетакрор. Олам пайдо бўлганидан бери, ундаги ўзгаришлар ва ҳайвонларнинг қолдиқлари орқали улар тўғрисида қисман бўлса-да маълумотга эгамиз. Афсуски, уларнинг кўпчилиги турли сабабларга кўра қирилиб кетиши натижасида ўзидан насл қолдирмасдан йўқолиб кетган. Ана шулардан бири — динозаврлардир. Уларнинг йўқолиб кетиш сабаблари жуда мураккаб. Беихтиёр ўйланиб қоласан киши, у қандай офатки майда ҳайвонларга раҳм қилиб, оғирлиги ўттиз тоннадан ошиқроқ, узунлиги ўттиз метрча келадиган маҳлуқ — динозаврларни аёвсиз қириб ташлаган.

Динозаврларнинг йўқолиб кетиши тахминларидан бири ер шари яқинида нейтронли юлдузларнинг тўқнашувидир. Исроил физиги Арсон Дар олга сураётган бу назарияга кўра, атом нурларининг ер юзини қоплаб олиши уларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган. Германиялик астрофизиклар компьютерлар ёрдамида Исроил физиги кўтариб чиққан бу назариянинг ҳақиқий ҳолатини текшириб, бундай шароитда ер юзида иссиқлик босими 100 миллиард градусга етишини тасдиқлаб беришди. Демак, бундай ҳалокатдан кейин нафақат динозаврлар, балки барча жонли мавжудотлар қирилиб кетган бўларди. Шунинг учун ҳам, динозаврларнинг йўқолиб кетишига бу асосли тахмин бўла олмайди.

Энг кўп айтилаётган яна бир тахминлардан бири — «қуйруқли юлдуз»нинг ер шари билан тўқнашувидир. Нобель мукофотининг лауреати Луис Альварес 1980 йиллардаёқ шу фаразга асос солган эди. У коинотимизнинг барча жойларидан ернинг остки қатламларида жойлашган, эриши қийин бўлган металларни топишга муваффақ бўлди. Бу металлар бундан олтмиш беш миллион йил илгари ернинг устки қатламларида бўлган, деб таъкидлайди у. Бундай металлар эса фақат қуйруқли юлдузлардагина бўлиши мумкин экан. Луис Альварес фаразлари юз фоиз ўзини оқлади. Унинг ўлимидан кейин 1992 йили фараз қилинган комета Мексика кўрфазининг Юкатан ва Техас оралиғидан топилди. Комета бир неча миллион водород бомбаси портлаш кучига эга бўлган ҳолда, соатига 70 км. тезликда ер шарига урилиб 250 км. ичкарига кириб кетган ҳамда у ерда кратер — «вулқон оғзи» ҳосил қилган. Вулқон отилиши ва водород кислотаси ёмғир бўлиб ёғилиши натижасида бутун ер юзини қоронғу туман қоплаб олади. Ўсимликлар керакли қуёш нуридан маҳрум бўлиб, барчаси қуриб қолади.

Бундай офатдан кейин ер юзидаги ҳолатни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас. Бироқ, қушлар ва майда ҳайвонлар динозаврлар сингари катта қийинчиликка дуч келишмади. Қушлар ўзига керакли озиқовқатни топа олишган. Шу тариқа майда ҳайвонлар ҳам ўсимликларнинг қолдиқлари билан жон сақлашган.

Ўсимликлар билан озиқланувчи ўттиз тонналик бу баҳайбат жонзотлар кунига 6 тоннага яқин овқат ейишлари керак эди. Лекин уларнинг жаъи бир ярим тоннадан ортиғини «қайта ишлай» олмаслиги туфайли жуда кам овқатланишган. Содир бўлган бу офатдан кейин эса улар бундан ҳам маҳрум бўлишади. Энди хулоса чиқариб айтадиган бўлсак, «динозаврлар очлиқдан ўлган». Шу тариқа улар ейишга озиқ тополмасдан барчаси бирваракайига қирилиб кетишган. Маълумотларга қараганда тимсоҳлар олти ойгача очликка чидаши мумкин экан. Афсуски, динозаврларда бундай «заҳира» бўлмаган, — дейди профессор Райхольд.

Ажал тумани ниҳоят тарқалиб, қуёш яна ер юзида ўзининг бебаҳо нурларини соча бошлайди. Коинотимизда қайтадан ҳайвонлар ва қушлар кўпайиб, сақланиб қолган ўсимлик уруғларидан бирин-кетин янги ниҳоллар униб чиқа бошлайди. Бироқ, ер юзида динозаврлар қайта пайдо бўлмади.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА



Азиз юртдошлар!
НАВРЎЗИНГИЗ
қутлуғ, ишингиз
улуғ бўлсин!

ЎзАСК «ЙЎЛОВЧИ» ҳж
Тошкент фирмаси



Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 22 mart, yakshanba № 36 (22.273).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ЮРАГИМГА КИРИБ КЕЛ, БАҲОР!

Сизладингиз,
сўзладингиз,
изладингиз,
Турна қанот патларида
учиб келдим.
Йўл-йўлакай кўз ёшларим
ўнта денгиз,
Ўн денгизнинг сувларини
ичиб келдим.

Осилиб олдиму ишқнинг кипригига,
Етар бўлдим нақ висолнинг кўпригига.
Қизғалдоқлар қабоғига яшириниб
Ёлғизликнинг боғларидан
кўчиб келдим.

Оқ булутлар кўзларимга қараб ўтди,
Қирқ кабутар йўлда сизни сўраб кетди.
Бардошимнинг минорлари нураб кетди
Юрагимнинг занжирини очиб келдим.

Сизни дея Самарқанднинг ҳавосидан,
Она юртнинг оби замзам равосидан,
Ортда қолган муҳаббатлар давосидан
Сизга кўнгил асраб, андан
кечиб келдим.

МУҲАЙЁ

ЧОРЛАШ

Қушларнинг тилига шўх қўшиқ солдинг,
Тоғдаги муз эдинг, ирмоқ бўлолдинг,
Далалар бағрида куйманиб қолдинг,
Энди юракка ҳам кириб кел баҳор!

Баҳорсан, кўкдаги чақмоқ чақинсан,
Барчага баробар дўстсан, яқинсан,
Лекин, мендан тағин узоқ кетдинг сан,
Энди юрагимга, кириб кел баҳор!

Қийналдим, ҳақиқат гоҳ йироқ бўлди,
Висолни куттандим ул фироқ бўлди,
Кўзларим йўлингда қўшчироқ бўлди,
Энди юракка ҳам кириб кел баҳор!

Ҳаётни севаман, сен ҳам севинтир,
Караминг қизғанма, баъзан эслаб тур,
Қудратинг менга-да бир бор билинтир,
Энди юрагимга, кириб кел баҳор!

Венера ИБРОҲИМОВА

КУЛАМ ГУЛДАСТАСИ

ВАТАННИНГ БАЙРАМИ

Ай, миллатнинг кўксидаги жавоб чуғ,
Ай, офтобга ота бўлган иссиқ юз.
Бизга фақат соғинишга бор ҳуқуқ,
Эсон-омон келдингизми сиз, Наврўз!

Мўмин элга орқа бўлди буюк тоғ,
Кутавериб мингта бўлди бир жуфт кўз.
Бош устига қўйинг майли сиз, оёқ,
Уй-уй, тўй тўрига буюринг, Наврўз.

Минг йил кутди мунгли синглим, кўнгиллим,
Олтин соғинчининг эгнида чит, бўз.
Ҳафифим, вазминим, тоғдай енгилим,
Кўз нурим зичлашиб йўл бўлди, Наврўз.

Янги кун, тонгли кун, ҳаяжонли кун,
Тилимда тилингдан хуш оғриқ, хуш сўз.
Юрагим шодликнинг пойтахти бугун,
Майса қўшинига қўмондон, Наврўз.

Хуш келсин,
қўш келсин миллат қўклами,
Ўзбекнинг сўзи ўз,
юзи ўз,
ўзи ўз.
Қизимнинг байрами,
ўзимнинг байрамим,
Ўғлимнинг байрами,
руҳимнинг байрами.

Синглимнинг байрами,
кўнглимнинг байрами,
Отамнинг байрами, Ватаннинг байрами,
Сиз Наврўз.

Тўра МИРЗО

НАВРЎЗ

Наврўз келди, ҳуснин кўз-кўз қилди олам гуллари,
Атроф кўм-кўк, чирой очди ҳатто ўлкам чўллари.

Осмон безаги турналар, янграр лайлак карнайи,
Жўшиб қуйлар чўл тўрғайи, боғ-бўстон булбуллари.

Шаҳар, қишлоқ, далаларда сайр қилур ясаниб,
Диёримнинг кекса-ёши, қизлари, ўғиллари.

Наврўз байрами ажойиб, дастурхонда муҳайё —
Ҳадис, ҳалим, сумалагу таомнинг кўп хиллари.

Бир томонда дор ўйини, қўшиқ, кураш бир ёнда,
Чеҳралардан нур ёғилур, барчанинг шод диллари.

Нега хурсанд бўлмасин эл, Наврўз байрам қилинмай,
Ўтиб кетди умримизнинг қатор-қатор йиллари.

Мустақилдир Ўзбекистон, энди ўзимизгадир,
Етиштирса мўл-кўл ҳосил ишчи-деҳқон қўллари.

Анъаналар тиклангани катта бахтдир, эй Тўра,
Халқим доим зафар қучсин, ойдин бўлсин йўллари.

ДЎСТ ТАЪРИФИ

Сойиб Усмонов учун ёзилди бу қасида,
Садоқатли дўстлигин кўрсатди у неча бор.
Сўз айтайин ҳақиқий инсонлиги ҳақида,
Аъло фазилатини қалбдан қилайин изҳор.

Эслолмайман биронта яхшилик қилганимни,
Лекин унинг ёрдамин сон-саноғи беҳисоб.
Кечиргандир ёшликда енгилтак бўлганимни,
Кечиргандир йўқ пайти менда заррача инсоф.

Одамлар бор юраги қоп-қорадир кўмирдай,
Шуҳрат топсанг кўролмай тирноғингдан кир излар.
Ажойиб ишларингга разм солмайди кўрдай,
Кўршапалакка ёқмас нур таратган кундузлар.

Яшаш борки, қинғирлик ҳамиша бор орада,
Меҳр кўргузганлар ҳам меҳрибонга зор бўлди.
Раҳм-шафқати йўқлар туз сепади ярага,
Шод қилганларнинг ўзи ғамларга дучор бўлди.

Ноҳақликка тўладир ҳар маҳалда бу ҳаёт,
Тўсиқларга дуч келдим ёмонларнинг дастидан.
Қадамимни боссамда ғоят бўлиб эҳтиёт,
Чиқиб қолар фалокат оёғимнинг остидан.

Соф юракли кишилар борлигига минг шукр,
Шулар бўлмаса агар кун йўқ эди яхшига.
Ўз ўрнини топмоқда ажойиб тўғри фикр,
Олқиш бўлсин давроннинг пок инсони — нақшига.

Масъул вазифаларда у ишлади анча вақт,
Мағрурланишни билмай камтар бўлиб иш тутди.
Камтарга камол дерлар, чиндан қулди унга бахт,
Оддий кишилар борса, ҳамиша илиқ кутди.

Етмиш ёшга кирсада, қомати тик йигитдай,
Балки, халқнинг дуоси унга қувват бахш этди.
Мартаба осмонида парвоз қилди бургутдай,
Топган шону шуҳрати узоқ-узоққа етди.

«Дўстлик» ордени билан тақдирлади юртбоши,
Дўсти меҳнати қадр топганидан бу дарак.
Оқ кўнгил кишиларнинг доим ҳалолдир оши,
Сафдошлар мукофотни қалбдан қилди муборак.

Фахрланиб юраман шундай дўстим бор учун,
Олийжаноб одамлар кўпайсин бу дунёда.
Яратганим янада ризқини қилсин бутун,
Даврон сурсин беармон, умри бўлсин зиёда.

Тўра ЖУМАН





АССАЛОМ, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

КАБУЛ ТЕКСТАЙЛЗ

ЎЗБЕК — КОРЕЙС ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ КАТТА ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқларини
НАВРЎЗ АЙЁМИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.

Истиқлол ва Наврўз азалдан бир-бирига эгиз тушунчалардир. Шу боис бу байрам барча Шарқ халқларининг тафаккури ва маънавиятида ардоқлидир. Мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий эттиришда жонбозлик кўрсатаётган қўшма корхона жамоаси бу байрамни кўтаринки руҳ ва шод-хуррамликда нишонламоқда.

НАВРЎЗ—
МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ ВА ТАФАККУР НАМОЙИШИ

POYAFZAL KORXONASI KIBO CHIRCHIQ SHAHRI

«Кибо» қўшма корхонаси

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ УЛКАН ШОДИЁНА БИЛАН ЧИН ҚАЛБДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Болапарвар мамлакат фарзандлари корхонамизда тайёрланган замонавий ва сифатли оёқ кийимларини ғоятда манзур кўришмоқда.

(Газетамизнинг навбатдаги сони 26 март — пайшанба куни чиқади).

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 2-11-49;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36136 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 01046

Босишга топшириш вакти—21.00. Топширилди — 22.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА